

А Ж Р И М
(Иш юритишни тугатиш тўғрисида)

Самарқанд шаҳри

2023 йил 15 сентябрь

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси К.И.Тухтаев раислигида, судья ёрдамчиси С.Тожиевнинг котиблигида, даъвогар [REDACTED]нинг жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Судга даъвогар [REDACTED] даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида [REDACTED]га қарашли ер майдонларида ўрганиш ўтказилганда « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти билан 10.11.2020 йилда ўрмон фонди ер участкаларидан 2.3 га ер майдонида дам олиш маскани яратиш мақсадида 49 йилга ижара шартномаси тузилганлиги аниқланганлиги, ишчи гуруҳ томонидан шартномага асосан ажратилган ер майдони ҳолати ўрганиб чиқилганлиги, « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти томонидан 107,1 кв.м ер майдонида мураккаб конструкцияли бино қурилиб фойдаланиб келинаётганлиги баён қилиниб, жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятига ўзбошимчалик билан қурилган 107,1 кв.мдан иборат мураккаб конструкцияли қурилмани бузиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Судга даъвогар [REDACTED] томонидан ариза билан мурожаат қилиниб, аризада даъводан воз кечганлиги баён қилиниб, воз кечиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида даъвогар [REDACTED] ва жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти вакиллари иштирок этмади.

Суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳода, қуйидаги асосларга кўра, иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатларидан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Ижарага берувчи) ва « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти (Ижарачи) ҳамда [REDACTED] ўртасида 10.11.2020 йилда ўрмон фонди ер участкаларидан 2.3 га ер майдонида дам олиш маскани яратиш мақсадида 49 йилга ижарага бериш тўғрисида ижара шартномаси тузилган.

Ишчи гуруҳ томонидан шартномага асосан ажратилган ер майдонинг ҳолати ўрганиб чиқилган бўлиб, ўрганишда « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамияти томонидан 107,1 кв.м ер майдонида мураккаб конструкцияли бино қурилиб фойдаланиб келинаётганлиги аниқланган.

Шунинг учун даъво аризаси билан мурожаат қилиниб, жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятига ўзбошимчалик билан қурилган 107,1 кв.мдан иборат мураккаб конструкцияли қурилмани бузиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш сўралган.

Ҳужжат имзоланган: Тухтаев Камалиддин Ибрагимович, 16.10.2023



Судга даъвогар [REDACTED] томонидан ариза билан мурожаат қилиниб, аризада даъводан воз кечганлиги баён қилиниб, воз кечиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 110-моддаси 6-бандида даъвогар даъвосидан воз кечган ва суд уни қабул қилган бўлса, суд иш юритишни тугатиши белгиланган.

Суд, даъводан воз кечилганлигини, даъводан воз кечиш қонун ҳужжатларига зид эмаслигини, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаслигини инobatга олган ҳолда, даъводан воз кечишни қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда, суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, аризачининг даъводан воз кечиши учинчи шахсларнинг ҳуқуқига дахл қилмаслигини инobatга олиб, даъводан воз кечиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни, иш бўйича иш юритишни тугатишни, суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, ундирилиши лозим бўлган 3 330 000 сўм давлат божи, 33 000 сўм почта харажати даъвогар [REDACTED] зиммасига юклашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 118, 110, 111, 195-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Даъводан воз кечиш тўғрисидаги ариза қабул қилинсин.

Иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ихтиёрий тўлаб чиқилган 3 330 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати даъвогар [REDACTED] зиммасида қолдирилсин.

Ажримдан норози бўлган тараф ажрим қабул қилинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести) бериши мумкин.

Судья

К.И.Тухтаев

